



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 11 декабрь, № 239 (4649)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида

Қонунийлик палатаси томонидан 2008 йил 30 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда маъқулланган

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилишини.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 декабрь
№ УРҚ — 185

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари,
Муқаддас ва қувончли Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Биз жаҳонда эркинлик ва тинчлик барқарорлиги йўлидаги муштарак саз-ҳаракатларимизни ушбу муборак байрам рўҳида давом эттира олишимизга умид билдираман.

Келаётган йилда Сизга ва Ўзбекистон халқига соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,
Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокоту,
Муборак Ийд ал-Адо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан энг самимий тилаклар ва эзгу истакларини йўллашдан мамнунман. Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ субҳонау ва таолодан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққий ва раванқ, бутун ислом умматига эса фаровонлик ҳамда хайр-баракат ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,
Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокоту,
Муборак Ийд ал-Адо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий тилаклар ва эзгу истакларини йўллаб, Аллоҳ таолодан ва таолодан ушбу фазилатли айём барокотидан барчамизга насиб айлашини, ислом умматига эса шон-шўҳрат, юксалиш ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,
Султон бин Абдулазиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Валлоҳиди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Муҳофаза ва авиация вазири, Бош назоратчи.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Сўз эркинлиги — олий қадрият» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭРКИН СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Анжуманда мамлакатимиз Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тadbирлар дастури тўғрисида»ги Фармони жамиятимиз ҳаётида муҳим ҳужжат бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Айни вақтда декларациянинг 19-моддасида белгиланган ҳар бир инсон ахборот ва фойдаланиш ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги оммавий ахборот воситалари ходимлари учун муҳим бўлган меъёрлар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва қонунга мувофиқ ишлаши, қолаверса, цензурага йўл қўйилмаслиги қатъий меъёр сифатида белгиланган. Бу эса сўз эркинлигининг қонуни билан қопланганлигини кўрсатиб турибди, дейилди анжуманда.

Шунингдек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил ва қатъий бажариб келаётгани, 1997 йилдан бошлаб Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолият кўрсатиб келаётгани, мамлакатимизда бу соҳага оид меъёрларни таъминлашда етарли даражада имкониятлар мавжудлиги ҳам эътироф этилди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЙ ТОПСА, ЮРТИМИЗ ОБОД, ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг шу қутлуг байрамга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаси, унда Ватанимизни янада тараққий топтириш буйича белгилаб берилган вазифалар, илгари сурилган гоё ва ташаббуслар, чуқур таҳлил ва хулосалар жамоатчилигимиз томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Конституция ва тараққиётнинг ўзбек модели

Президентимизнинг маърузасида, аввало, мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги барча интилиш ва ҳаракатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз кафолати бўлган Асосий Қонунимизнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Биз мустақиллик йилларида қандай улкан ютуқ ва марраларга эришган бўлсак, ҳаммасининг негизиде айнан Конституцияимизда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқий асослар муҳасам экани қайд этилди. Жумладан, мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг бутун дунёда тан олинган ўзбек модели ҳам Конституцияимизда ўз ифодасини топган қоида ва меъёрлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда фикр юритганда, маъзур моделнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган машҳур беш тамойил ҳозир ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмай келаётгани таҳсинга сазовордир.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаолигини ошириш масалаларига атрофлича тўхталиб, бу борада «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини жорий этиш буйича олиб борилаётган ишлар ва олдимизда турган вазифаларни ҳар томонлама асослаб берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларининг фаолият қўлими ҳамда воқолатларини кенгайтириш, аҳоли турли қатлам ва гуруҳларининг туб манфаатларини ифода қилишда ва ҳимоя қилаётган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучай-



тириш масалалари алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Юртимизда неча минг йиллар давомида мавжуд бўлиб келаётган ва мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқаришнинг том ноҳодаги ноб институтига айланган миллий демократия мактаби, сиёсий партиялар, нодавлат ва турли ижтимоий ҳаракат ва тузилмалар илдиз отадиган замин — маҳалла раванқига бундай юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, деди Президентимиз.

Ҳақиқатан ҳам, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллаларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш, қўп

жиҳатдан, жамиятдаги турли ижтимоий келиш-муноволикларнинг олдини олиш ҳамда изчил ва барқарор ривожланишнинг муҳим омилли эканига ўтган давр мобайнида барчамиз тўла ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Глобал молиявий инқироз оқибатлари ва ularга қарши чоралар

Давлатимиз раҳбари ҳозирги пайтда энг муҳим ва долзарб бўлиб турган масала — жаҳон

миқёсидаги молиявий инқироз ва унинг мамлакатимизга таъсири хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Маълумки, жаҳон молиявий инқирози Америка Қўшма Штатларида ипотечли кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг тўлово қобилияти заифлашиши оқибатида бу жараён глобал молиявий инқирозга айланиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ «ИПАК ЙЎЛИ» ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Кореяда ушбу мамлакат ва Марказий Осиё давлатлари ижодий гуруҳлари иштирокидаги «Ипак йўли» Халқаро маданият фестивали бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Корея Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, Корея санъат кенгаши ҳамда «Korea Foundation» жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Фестиваль Жанубий Корея жамоатчилигини Буюк Ипак йўли орқали Корея билан қадимдан алоқа қилиб келган Марказий Осиё халқларининг мусиқаси, рақслари, санъати ва анъаналари билан таништиришни мақсад қилган.

Тадбир Корея маданияти жамғармаси марказида ташкил этилган «Марказий Осиё нефосати» фотокурғазмаси билан оинчиди. Унда турли вақтларда минтақа мамлакатларига келган ва ўз таассуротларини фотосуратлар орқали ифода қилган жанубий корейлик сураткашларнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасида Марказий Осиё билан Корея Республикаси ўртасидаги маданий алоқаларга бағишланган анжуман ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Ф. Абдурахимова маъруза қилди.

«Ипак йўли руҳи» номи остида ташкил этилган мусиқа кеча-си фестивалининг асосий тадбири бўлди. Юртимиз номидан маъзур нуфузли тадбирда Ф. Абдурахимова раҳбарлигидаги «Сундиёна» чолғу ансамбли иштирок этди. Айтиш жоизки, вакилларимизнинг маҳорати

корейлик томошабинларини самимий олақашларига сазовор бўлди. Ватандошларимизнинг икки маҳоратини юкори баҳолаган ҳолда, Корея санъат кенгаши раиси Ким Жун-хон ўзбек халқ мусиқий чолғу асбоблари оҳангининг нафис эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбек халқининг деярли барча миллий мусиқа асбобларини ўз ичига олган «Сундиёна» юксак маҳоратли жамоадир, — деди у.

— Гурӯҳнинг жанубий корейлик мусиқачилар жўрлигида корей халқ кўйларини икки эшитиш мамлакатларимиз санъаткорлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг ривожланишида яна бир муҳим қадам бўлди.

«Ипак йўли» жамғармаси раиси Ким Вон-хо ҳам ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб: «Юртдошларимизнинг ҳар бир чиқиши — Шарқдаги энг ёрқин ва ўзига хос маданиятлардан бирининг ўчоғи бўлган Ўзбекистон санъатининг серрираллигини ўзида мужассам этадиган, майин, жангдор ва жўшқинликини ифода қилаётган ҳақиқий дурдона асарлардир», деди.

«Ипак йўлининг нур ва жилволи» миллий кийимлар Гала-курғазмаси ҳам фестивалнинг ёрқин таассуротларига бой воқеалардан бири бўлди. Қўллаб-қўллаган дизайнерли санъати илос-маңдларини жалб қилган курғазмада ўзбек миллий либослари «Осиё ранжи» модельерлар ассоциацияси раиси Х. Комиллова ҳамда «Ўзбекистон санъати ва маданияти» форуми жамғармаси лойиҳа муваффақлаштирувчиси

М. Раҳимова раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси томонидан намойиш этилди. Курғазма доирасида юртдошларимиз ўзбек миллий либосларининг алоҳида намойишини ташкил этди. Унда тақдим этилган либослар тўғрисида, кўп сонли меҳмонларнинг эътироф этилиши, анжуманнинг энг қийоли ва нафис намуналари бўлди.

«Корея Пост» наشري раиси Ли Кён-сикнинг эътирофи эитишча, ўзбек миллий либосларининг бекиёвслиги шундаки, уларда қадимий халқ анъаналарининг эстетик қадриятлари, серрираллиги, ранг ва жилвога бойлиги ўз аксини топган. Бундан ташқари, ўзбекистонлик модельерлар ўзининг дизайн бо-

бидаги юксак маҳоратини намойиш эта олган.

Инчон Корея Аънавий санъат ассоциацияси раиси Ким Хён-шил ҳам ўз ҳайратини яшириб ўтирмади. «Ўзбек либосларидаги ранглар уйғунлигида миллий ўзлини англаган моҳияти мужассамлашгандек, ўзбек халқининг қалби акс этгандек бўлади гўё. Ушбу либослар халқининг бой ва теран маданияти ҳамда санъатга эга эканини аққол намойиш этади», деди у.

«Hankok Promotional» ассоциацияси президенти Жин Хян-жа хоним «Ипак йўли» лойиҳасини амалга оширишда кўрсатган кўмағи учун Ўзбекистон делегацияси самимий миннатдорлик билдирди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда ёш модельер ва мусиқачиларга кўрсатилаётган кўмак ҳамкорликда кўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай имконият яратиш, шубҳасиз, маданият соҳасидаги Ўзбекистон — Корея алоқаларининг ривожланишига хизмат қилади.

Фестиваль доирасида «SamarKand Handmade paper» маркази директори З. Мухторов ҳамда корейлик усталар ҳамкорлигида ташкил этилган қроғоз ишлаб чиқаришининг қўлбола технологияси намойиши бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА.
Сейл


Чакана савдо айланмаси ортмоқда

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда чакана савдо айланмаси **15** фоизга ошди.

Ўтган даврда республикамизнинг барча ҳудудларида янги савдо, умумий оқватланиш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш шохобчаларининг ташкил этилиши туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

ДАВОМИ 3-БЕТДА.



фермерларимиз, миришкор дехқонларимизнинг пахта етиштириш борасидаги катта билими ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, пахтачилик келгусида ҳам биз учун муҳим ва сардаромад тармоқ бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ёшлар йили: яна бир юксак довондан ўтдик

Юртбошимизнинг маърузасида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижроси бўйича дастлабки, айни чоғда теран ҳулосалар, залварли ракам ва далиллар жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Дастур доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун шу кунга қадар барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд хомийлар маблағи сарфлангани юртимизда бу борада амалга оширилган ишларнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканини кўрсатиб турибди.

Утган даврда халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг фаол иштирокида «Ёшлар йили» дастурини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган 1989 йилдан 2008 йилгача

кўз қорачигидек сақлаб келинмоқда. Шундай экан, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган, она-заминимизни кўз қорачигидай асраб-авайлаб, уни ҳар томонлама обод қилиб келаётган қишлоқ аҳли ҳар қанча ҳурмат ва эътиборга муносибдир.

Албатта, қишлоқ келаётган йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилиши қишлоқни тараққий топтириш ва фаровонлаштиришга фақат янги йилдан бошлаб киришар эканми-да, деган маънони англатмайди. Зотан, юртимизда қишлоқ ҳаётини бутунлай ўзгартиришга қаратилган янги чора-тадбирларни амалга ошириш учун шу кунга қадар барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд хомийлар маблағи сарфлангани юртимизда бу борада амалга оширилган ишларнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканини кўрсатиб турибди.

Утган даврда халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг фаол иштирокида «Ёшлар йили» дастурини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган 1989 йилдан 2008 йилгача

мустаҳкамлашда, иқтисодий эҳтишимнинг тез суръатлар билан ўсиши-ни таъминлашда ишончли қўйдо-вор бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўринли таъкидлаганидек, дунёдаги кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бой-ликни янада кўпайтириш, ўзини ва оиласини боқиб, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Энг муҳими, ўз ичига тинчлик ва оқилолликни сақлаб ва ҳимоялаш учун астойдил жон қўйди. Қишлоқ ҳўжалиги ҳам, бошқа барча соҳалар каби, айнан мулк эгаларига — тадбиркор ва ишбилармон инсонлар, айниқса, фермерларга суянгандагина тараққий этади.

Мамалякимизда ўз вақтида, узоқни кўлаб қишлоқ ҳўжалигида ана шу ҳақиқатга асосланиб, кенг кўламли ислохотлар бошлаб юборилгани ва бугунги кунда бу яқо-на ягона тўғри йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи ҳар томонлама ис-ботлаб бермоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқда ер эгаси, мулкдор пай-до бўлди, одамларда манфаатдор-

лигининг экин майдонларини оп-тималлаштириш ҳақидаги Фармо-ни ҳамда фермер ҳўжалиқларининг ерларини тартибга келтириш, уларни оптималлаштиришга доир фармойиши, 2008-2012 йил да-вомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилинган Давлат да-стурини ижроси доирасида бошлан-ган кенг қамровли ишлар ҳам 2009 йил давомида алоҳида маъно-маъ-мун касб этади.

Шу билан бирга, қишлоққа са-ноатни, хизмат ва сервис шохоб-чаларини олиб кириш, илҳам ва за-монавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу тадбирларни амалга ошириш ҳис-обидан қишлоқ аҳолиси, аввалам-бор, ёшларни иш билан таъмин-лаш, одамларнинг даромадларини кўпайтириш масалалари ҳам до-имий эътиборда бўлиши ҳақида Президентимиз томонидан билди-рилган фикрлар янги йилда олди-ришда янада кенг қамровли вази-фалар турғанидан далолат беради.

Юртбошимиз янги йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровон-

Шу билан бирга, соғлиқни сақ-лаш соҳасидаги энг муҳим маса-ла — бу касалликнинг олдин-олиш учун профилактика ишлари-ни тўғри йўлга қилиш, экологик муаммоларни ениш билан боғлиқ бўлиб, биз ўз фаолиятимизни ана шу мезон асосида ташкил эти-шимиз даркор.

Қишлоқнинг қиёфасини бутун-лай ўзгартирадиган яна бир му-ҳим йўналиш — бу Кадрлар тай-ёрлаш ва Мактаб таълимининг ри-вожлантириш дастурларини ижроси-ни жойларда тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ. Айниқса, ота-она-лар ва болаларнинг дунёқарашини юксалтириш, ҳаётнинг барча жаҳалларида дахлдорлик туйғусини кучайтиришда, ёшларимизни эртанги кун учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қиммат инсонлар этиб тарбиялаш-да бу дастурлар беқиёс роль ўйнаётганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Нафақат юртимизда, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг эътироф этилаётган ана шу дастурлар доирасида ҳозирги кунга келиб қишлоқ жойларда 5 миң 282 та мактаб, 880 та касб-хўна коллежи, 8 та академик лицей барпо этилди. Шунингдек, Бо-ларлик спортини ривожлантириш дастурига биноан, 900 та спорт маскани қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бу даргоҳларда ўғил-қизлари-миз бутунлай янги авлод вакил-лари бўлиб камолга етмоқда, энг муҳими, уларга таълим-тарбия бе-раётган ўқитувчиларга яратилган шароит қишлоқда ҳаёт мазмунини янги-ча ташкил этишга жуда катта амалий таъсир қўрмоқда. Ва-ҳоланки, бундан 15-20 йил муқад-дам ёшларимизнинг бугунгидек замонавий илм масканларида таъ-лим олиши, кўплаб халқаро фан олимпиадаларида, санъат фести-валларида, спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиши ва гло-бал савдонда қўли олишини тасав-вур ҳам қила олмадик.

Қишлоқ ҳудудларидаги таълим муассасаларида ҳам шаҳарларда-гидек шароит яратилиши тўғриси-да Германия, АКШ, Жанубий Корея, Япония каби қатор мамлакатлар-да математика, кимё, биология, информатика ва бошқа фанлар бўйича ўтказилган нуфузли халқаро олимпиадаларда мамлақати-мизнинг олис гўшалари — Қаш-қадарё, Хоразм, Қорақалғистон, Наҳавӣ, Бухоро, Наманган, Самар-қанд ва бошқа ҳудудларда туғил-иб ўсган истеъдодли ёшларимиз-нинг улуғлиги ортиб бораётгани ҳам-мамизга гурур бағишлади.

Бу таълим масканларининг на-фақат болалар, балки ота-оналар, бутун қишлоқ аҳли учун ҳақиқатан ҳам, маданият, маърифат ва маъ-навий ўчоғи бўлиб хизмат қила-ётгани биз оруз қилаётган эркин, озод ва фаровон жамиятни бар-по этишда асосий ва ҳал қилувчи омилга айланган.

Биз қишлоқ ҳаётини шаҳар ҳаёти даражасига кўтариш, бунинг учун барча куч ва имкониятлари-мизни сафарбар этишга бел боғ-лаган эканмиз, бугун қишлоқлар-имизда қурилиш масаласига ҳам жиҳдий эътибор қаратишимиз та-садда мувофиқдир. Хусусан, мам-лақатимизнинг барча ҳудуд ва мин-тақаларида юзлаб қишлоқ врач-лик пунктлари барпо этилди. Бу-гунги кунда уларнинг сони 3 миң 118 тага ташкил этилмоқда.

Охириги ўн йил мобайнида қишлоқ врачлик пунктлари хизма-тидан фойдаланувчилар сони икки баробар ортиб, шунинг ҳисоби-дан касалхоналарда даволанувчи-лар сони 26,8 фоизга камайди. Бу борада олдимизда турган ҳа-диди эңдиги вазифа — бу масканларни қишлоқда тиббий маданиятни оши-ришнинг муҳим омилга айлан-тириш, уларни замонавий талаблар асосида зарур тиббий асбоб-ус-қуналар билан жиҳозлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимизнинг маърузасида белги-лаб берилган ана шундай долзарб вазифаларнинг барчаси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» мақсадига асос қилинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан бунёд этилган эл-юртимизнинг дунёда ҳеч қандай кам бўлмағи яқини, муносиб ҳаёт кечирishi йўлида изчил олиб бораёт-ган амалий ишларимизни янги ва юксак босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамиятга эга бўлади.

Гулном МИРЗО, Ўза шарҳловчиси.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЙ ТОПСА, ЮРТИМИЗ ОБОД, ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғли барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик қўли эканига боғлиқлигини таъкидлар экан, Юртбошимиз кўйидаги фикрларга алоҳида эътиборни қаратди.

Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар ва модернизациялашнинг ўзига хос модели ўтган давр мобайнида амалда ўзини тўлиқ оқлади. Бунда ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли танлангани, энг муҳими, парокандалик ва бошбош-доклик таъсирга тушиб қолмаслиги учун ўтган даврда айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиш зарурлиги аниқ белгиланган олингани ҳал қилувчи омил бўлди.

Бугунги кунда халқимиз танланган тараққиёт модели, мамлақатни ислох этиш, модернизациялаш, техника ва технология янгилаш, иқтисодийни диверсификация қилиш бўлган амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат, чиндан ҳам, юртимизни турли салбий ҳараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлақатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуқсиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган ва зарур ресурслар базаси мавжуд.

Айни вақтда, бугун мамлақатимиз халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисоблангани назарда тутилган, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози бизга таъсир қўрмоқда, юртимизни чет-лаб ўтати, деган ҳулоса нотўғри эканини аниқлаш қийин эмас.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари, Президентимизнинг қайд этганидек, иқтисодий эҳтишимнинг ривожланиши ва самардорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шунга қарамай, жаҳон молиявий инқирозининг таъсиридан қийинчилик ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Мамлақатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кунга қадар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама йўналган кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Маълумки, жаҳон бозорини озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи муттасил ошиб бораётгани ҳам глобал муаммолардан бири экан-

ни инобатга олиб ҳамда мамлақатимизда озиқ-овқат маҳсулот-ларини етиштириш ҳажмининг янада ошириш, уларнинг турини кўпай-тириш ва шу асосда аҳолининг бу борадаги талабини тўлароқ қон-дириш, пировард натижада қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини юксалтириш мақсади-да яқинда Президентимиз томо-нидан озиқ-овқат экинлари экила-диган майдонларни оптималлаш-тириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармон қабул қилинди. Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммо қандай ўткир бўлиб бо-раётганини ҳисобга оладиган бўл-сак, бу ҳужжатнинг аҳамияти ва моҳиятини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Ҳозирги кун-да жаҳон бозорини дунёнинг нархи 2006 йилдаги нисбатан ўртача икки баробар, сазавот маҳсулот-ларининг нархи эса икки баробар, деган кўрсаткич билан қараганда ва бу ишга муносиб ҳисса қўшгани фар-зандларимизни этиқ инсонлар этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар халқимиз қалбига ақс-содо топаёт-ганини яққол тасдиқлаб берди.

Ватан қишлоқдан бошланади

Давлатимиз раҳбари, аъна-га мувофиқ, ўз маърузасида ки-риб келаётган янги йил учун ус-тувор йўналишини танлаб олиш ҳақида тўхталар экан, 2009 йилни юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиш тасдиқлади.

Кириб келаётган йилга шундай ном бериш ҳар томонлама чуқур ҳаётий асосга эга эканини таъ-кидлаб, Юртбошимиз бундан бун-жамиятнинг илдири, томири, ав-валамбор, қишлоқ заминига бо-риб тақалиши, она-Ватан деган улғу ва мўқаддас тушунча омад-од учун гўёки қишлоқ тизимини до-шланишини ўқитиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам, қишлоқларимиз азалдан тўқиллик ва кут-баракка манба бўлиб келган. Ҳар қайси инсон ким бўлишидан, қаерда яшашидан қатъи назар, ўз ҳаётини захматқаш ва фидойи дехқон меҳнатининг маҳсулини тасаввур этолмайди. Илдири неча миң йил-лик даврларга бориб тақала-диган ўзбек дехқончилиги макта-бининг асослари, бу борадаги ўлмас аъна ва қадриятларимиз айнан қишлоқларимизда яратилиб,

набатдаги яна бир юксак дово-ндан ўтдик. Бунда, шак-шубҳасиз, дастур ижроси бутун мамлақати-мизни қамраб олиб, том маъно-даги умумийлик ҳаракатга ай-лангани алоҳида аҳамият касб этди.

Ана шундай эзгу савй-ҳаракат-ларимиз тизимини инсонийлик, болажонлик фазилатлари бугунги ҳаётимизда нақадар чуқур илди-риётганини, шу билан бирга, халқи-мизнинг сиёсий-иқтисодий савия-си, дунёқарашини, ону тафаккури қандай тез суръатларда ўсиб бо-раётганини кўриб, ҳар бир ватан-дошимизнинг кўнгли тоғдек кўта-рилад, эртанги кунга ишонч яна-да ортади.

Энг муҳими, ҳамюртларимиз-нинг ёшлар тақдирини ва келажаги-га ўзининг асосий вазифаси деб жонқурлик билан қарагани ва бу ишга муносиб ҳисса қўшгани фар-зандларимизни этиқ инсонлар этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар халқимиз қалбига ақс-содо топаёт-ганини яққол тасдиқлаб берди.

Ватан қишлоқдан бошланади

Давлатимиз раҳбари, аъна-га мувофиқ, ўз маърузасида ки-риб келаётган янги йил учун ус-тувор йўналишини танлаб олиш ҳақида тўхталар экан, 2009 йилни юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиш тасдиқлади.

Кириб келаётган йилга шундай ном бериш ҳар томонлама чуқур ҳаётий асосга эга эканини таъ-кидлаб, Юртбошимиз бундан бун-жамиятнинг илдири, томири, ав-валамбор, қишлоқ заминига бо-риб тақалиши, она-Ватан деган улғу ва мўқаддас тушунча омад-од учун гўёки қишлоқ тизимини до-шланишини ўқитиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам, қишлоқларимиз азалдан тўқиллик ва кут-баракка манба бўлиб келган. Ҳар қайси инсон ким бўлишидан, қаерда яшашидан қатъи назар, ўз ҳаётини захматқаш ва фидойи дехқон меҳнатининг маҳсулини тасаввур этолмайди. Илдири неча миң йил-лик даврларга бориб тақала-диган ўзбек дехқончилиги макта-бининг асослари, бу борадаги ўлмас аъна ва қадриятларимиз айнан қишлоқларимизда яратилиб,

ча бўлган даврга, қарийб 20 йиллик яқин тарихимизга назар ташлайди-ган бўлсак, ана шу вақт мобайнида мамлақатимизда қишлоқ ҳўжалиги ривожлантиришга қаратилган 80 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганини кўраимиз. Жумладан, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чу-қурлаштиришнинг энг муҳим йўна-лишлари, 2004-2006 йилларда фер-ми ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси, 2008-2012 йиллар да-вомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу каби кўплаб муҳим масалаларга қаратилган ҳужжатлар давлат сиё-сатида бу соҳани ҳар томонлама ри-вожлантириш етакчи ўрин тутиб ке-лаётганини кўрсатади.

Буларнинг барчаси мамлақати-мизда қишлоқларимизни обод ва фаровон этиш, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, аҳолининг эр зарур ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасида аниқ мақсад-га қаратилган иш ва қатъий сиё-сат амалга ошириб келинаётганини кўрсатади. Таъкидлаш кераки, 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилини-ши шу йўлдаги интилиш ва ҳаракат-ларимизни янги босқичга кўтариш-га қаратилгани билан беқиёс аҳамия-т касб этади.

Ер дехқонни боқадим, дехқон эса — элми

Маълумки, мустақилликнинг даст-лабки йилларида қишлоқ ҳўжали-гидаги туб ўзгариш, том маънодаги тарихий ислохот қишлоқда мулк ва мулкий муносабатлар масаласини ҳал қилишдан — ҳўжалик юритиш-нинг эски тузумдан қолган, ўзини оқламаган шаклларидан воз кечи-б, уларнинг ўрнида хусусий фермер ҳўжалиқларини ташкил этишдан бо-шланган эди. Бунда Юртбошимизнинг: «Барчани тўйдириб, барчани кийди-риб келаётган инсонлар, адолат юза-сидан, тўқ ва бадавлат яшашлари керак эмасми?» деган даявати му-ҳим мезон бўлиб хизмат қилди.

Бу борада умумэтироф этилган тамойиллар билан бирга, юртимиз-да асрлар давомида ўзини оқлаб келган миллий хусусият ва ҳаёт тар-зи инобатга олинди. Айни шундай сиёсат мамлақатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш ва

лик ва мулкдорлик ҳиссиёти мус-таҳкамлашиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, мен меҳнат қила-ётган ер ўзимники, болаларимники, бу-тун халқимники, деган қараш қишлоқ меҳнатчиларининг онгидан тобора устувор ўрин олмақда. Шу боис бугун тараққиётимизнинг ҳаёт суръатлари, халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтаришнинг асосий манбаи мулк-ий муносабатларнинг оқилона ҳал этилиши билан бевосита боғлиқ, десак, янгилашган бўламиз.

Истиқлол йилларида фермер-лик ҳаракати юртимизда кенг қулоқ ёйди. Фермер ҳўжалиқлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқари-шининг асосий шаклига, уни бар-қарор ва самарали ривожланти-радиган ҳаракатланувчи қўлга ай-ланди. Бу соҳада бозор инфра-структураси амалда қайта тўзили-ди, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқари-шини ташкил этиш ва рағбатлан-тириш сифат жиҳатидан янги та-моийлар асосига қурилгани ҳам диққатга молиқдир.

Бугун мамлақатимизда фаоли-ят юритётган фермер ҳўжалиқ-ларида 1 миллион 600 миң киши ёки соҳада қанд бўлган аҳоли-нинг қарийб 90 фоизи меҳнат қилаётгани, қишлоқ ҳўжалиги экин-лари экиладиган 3 миллион 570 миң гектар майдоннинг 3 мил-лион 15 миң гектари айнан улар-нинг ихтиёрига берилгани фер-мерларнинг қандай катта кўнга ай-ланди. Бу йил қишлоқ ҳўжалиги учун оғир келди. Каттиқ қургўқчилик, сув етишмаслиги билан боғлиқ қи-йинчиликлар дехқонларимизни яна бир бор синовдан ўтказди. Лекин шунга қарамай, омилкор фермер-ларимиз ҳар йилгидек фидокоро-на меҳнат қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маъ-рузасида юртимизда фермерлар-нинг қишлоқ ҳўжалигида ҳал қилувчи кўнга айлиниши, нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаёт-га ҳам катта ҳисса қўшадиган куч сифатида майдонга чиқиши учун салмоқли ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, бу борада келгусида амалга оширилиши ке-рак бўлган кўнлаб вазифалар ол-димизда турганига ҳам эътибор-ни қаратиб ўтди. Уларни амалга оширишда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», ҳеч шубҳасиз, муҳим босқич бўлади.

Айтиш кераки, Президенти-

ИМТИЁЗУ ИМКОН — ТАДБИРКОРГА

Президентимиз Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими барқарор ҳамда узлуқсиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захира-лар яратилгани, зарур ресурслар базаси мавжуд эканлиги ҳақида тўхталаркан, жумладан, қуйидагиларни алоҳида таъкид-лади: «Банк активлари ҳажмининг сезиларли даража-да ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республи-

камизда аҳолининг банклардаги барча депозитлари-ни давлат томонидан юз фоиз қаропаллаш таъмин-ланмоқда. Шу борада 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк»нинг фаолияти хусусида алоҳи-да тўхталмоқчиман. Утган икки йил давомида ушбу банк активлари микдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлаш ҳажми 4 бар-обарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди».

37 та филиали ва 270 дан ортиқ минибанки 140 миң нафардан зиёд мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, юртимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохот-лар сабаб мижоз ва банк ўртасидаги му-носабатларда тамомилан янгича қараш, амалий ҳаракатлар қарор топтоқда. Хусусан, «Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаш билан биргаликда мамлакатимиз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни ишга солиш, олис қишлоқларда яшаётган ҳар бир оилага доимий ва ишончли даромад манбалари ва иш ўринлари ярати-ш борасида кенг қамровли фаолият юрймоқда.

Эътиборлиси, янги Фармон тадбир-

корлар учун янада кенгрок иқтисодий им-тиёзлар яратишни кўзда тутди. Бу нима-лардан иборат? Аввало, бошланғич сар-моияни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 баравар-гача микдорда бериладиган микро-кредитлар учун тўланадиган йиллик фой-з тўлови 5 фоиздан 3 фоизга туширилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъект-лари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдир-иш учун ажратиладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари микдоридagi микрокредитларнинг йиллик фойзи Мар-казий банк қайта молиялаштириш ставка-сининг 100 фоиздан 50 фоизга камай-тирилди. Энг кам иш ҳақининг 2000 бар-обари микдорини бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фойз эса 7 фоиздан 5 фоизга қисқартирилди.

Табиий савол туғилади: ана шу имти-ёзлар тадбиркорларга қандай наф келти-ради?

Айтилик, биз янгича талаблар билан ишлаётган бўлсак, тадбиркорлик субъект-ларига ўз фаолиятларини кенгайтириш, тай-ёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни ўзимизда тайёрланаётган маҳсу-лотлар билан тўлдир-иш, аҳолининг банкин-

имтиёзли кредитларига жалб этиш, шу ор-қали қўшимча иш ўринлари яратиш синга-ри кўплаб вазифаларни бажаришга қўша-диган ҳиссамиз янада ортади. Гап шунда-ки, улар банк томонидан берилган сармо-ялар учун тўлаши лозим бўлган фойзалар ҳисобига тежалган маблағларни ўзлари-нинг ишлаб чиқаришини янада кенгайти-ришга сафарбар қилиш имкониятига эга бўлилар. Шунинг билан бирга, банк кич-ик бизнес ва хусусий тадбиркорлик би-лан шуғулланаётган мижозларига молия-вий қўмлаштириш, уларнинг барча талаб-ларини ўз вақтида адо этиш пайидан бўлмоқда.

Зеро, кичик корхоналарнинг тежик ва тех-нологик жиҳозланишига, минитехнология-нинг кўламда жорий этилишига имконият яратиш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун қулай шароит ҳозирлаш, ҳатто, ҳар бир оиланинг чорва моллари, уй паррандалари, дехқон ҳўжалигининг уру-ғлик ва кўчатлар сотиб олиши, ҳўжалик дала-сидagi суғориш ишларини ташкил этиш, тупроқ шароитини яхшилашга қадар бўлган кенг доирадаги ишларнинг барчасини амал-га оширишга ёрдам бериш банкимизнинг асосий вазифалари сирасига кириди. Бунинг учун биз уларга доимо қамрабста бўлишимиз зарур. Айниқса, 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида

банкимиз микросармоялари қишлоқлар-да бугунги кундагидан кўра салмоқлироқ бунёдкорлик ишларини амалга оширишга хизмат қилиши шарт.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАРДАН МИНТАҚАНИНГ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРИ
МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА, ХАЛҚАРО НОРМАЛАР АСОСИДА ВА
ЭКОЛОГИЯГА ЗАРАР ЕТКАЗМАГАН ҲОЛДА ФЙДАЛАНИШ ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни вақтда Тожикистон ва Қирғизистон вакиллари Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида янги гидротехник иншоотлар қуриш бўйича асосси даъволарини билдиришга уринди. Аммо анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва Европа Иттифоқининг Италия, Германия, Франция каби етакчи давлатлари миллий ташкилотлари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2007 йилнинг августида ШХТнинг Бишкек саммитида баён қилган қўйидаги тамойилларга риоя қилмай туриб, бу каби уринишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Яъни, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари минтақа давлатларида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд аҳолининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак; трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар минтақада қарор топган экологик ва сув балансига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур; сувдан фойдаланиш ва экология соҳаларида амал қилаётган халқаро ҳуқуқий база Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича самарали тизимнинг асоси бўлмоғи даркор.

шоотларни қуриш бўйича асосси хатти-ҳаракатларга қарши эканликларини, шунингдек, минтақа экологияси учун, айниқса, Орол денгизи ҳавзаси учун янги таҳдидларга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Конференция иштирокчилари шунга қайд этдики, Орол фожияси табиатдан фойдаланишнинг ўзгариши нуктаи назаридан ҳам, тўғонлар қурилиши мўлжалланаётган ҳудудлар юқори сейсмик зона эканлиги билан боғлиқ бўлган техноген ҳалокатлар нуктаи назаридан ҳам юз минглаб одамлар ҳаётига таҳдид солувчи янги аваторларга қарши оғохлантириш бўлмоғи зарур.

Таъкидландики, экологик омилларнинг одамлар саломатлигига таъсирини баҳолаш ҳамкорлик доирасидаги ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларнинг зарур таркибий қисми деб қаралиши керак. Анжуман иштирокчилари ЁИнинг Марказий Осиё учун Стратегияси доирасида атроф-муҳит ва сув ресурслари муаммолари, шу жумладан, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш масалаларини биргаликда қўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрни маъқулади.

Қўйида Ўзбекистон табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Б. Алихоннинг конференциядаги сўзи келтирилмоқда: "Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги халқаро конвенцияларнинг раффикация қилиниши ва амалга оширилиши, шунингдек, бу борадаги мавжуд икки томонлама ва кўп томонлама кўнунчилик механизмларининг қўлланилиши ва янада ривожлантирилиши турли давлатлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш учун асосий воситалар сифатида қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши керак.

Трансчегаравий сув оқимларини самарали бошқариш ва уларнинг сув ресурсларини ривожлантириш сувдан фойдаланиш ва экология соҳаларидаги мавжуд халқаро ҳуқуқий базага асосланиши, минтақадаги барча давлатларнинг ўзаро манфаатларидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланишни тартибга солиши керак. Бунда трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай хатти-ҳаракат мавжуд сув мувозанати

га ва экологик талабларга салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ўринда сўз умуман минтақа мамлакатлари сув ресурслари ҳақида эмас, балки фақат трансчегаравий дарёларнинг ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланиш ҳақида бормоқда. Зеро, улар асрлар давомида ўша дарёлар бўйида истиқомат қилиб келаётган аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаб келган. Бугунги кунда бу минтақанинг 6 давлатида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд аҳолининг манфаати демакдир. Шунинг учун бу дарёларнинг оқимидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда, шу жумладан, гидроэнергетика иншоотлари қуришда ушбу манфаатлар, албатта, инобатга олинши зарур. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қўйи қисмини сув билан таъминлашни янада оғирлаштириши, қуриб бораётган Орол денгизининг экологик инқирозини янада кучайтириши мумкин.

БМТнинг 1992 йил 18 сентябрдаги Трансчегаравий сув оқими ва халқаро қўлларни муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича Конвенциясида ва 1997 йилнинг 21 майида БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияда қўйидаги қарорлар қабул қилишда, шу жумладан, гидроэнергетик иншоотларнинг қурилиши бўйича барча қарорлар экологияга асло зарар етказмаслиги ва чегарадош ҳудудлардаги мамлакатлар аҳолисининг манфаатларига зийн етказмаслиги шарт, деб ҳисоблаймиш.

Зарар етказилган тақдирда унинг оқибатларини баҳолаш эътибори қилиниши зарур.

майитриш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилиши, зарурат туғилганда, компенсация қилиш тўғрисидаги масала қўйилиши лозим. БМТнинг юқорида қайд этилган конвенциялари талабларига мувофиқ нуфузли халқаро экспертлар томонидан гидротехник объектларни қуриш ўнглаб бўлмайдиган экологик оқибатларга олиб келмаслиги ҳамда бу дарёлар бўйида жойлашган барча давлатлар томонидан трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш бўйича мавжуд мувозанат бузилмаслигига қаратилган қарорлар зарур.

Марказий Осиёда миллий ва трансмиллий компаниялар иштирокида гидроэнергетика иншоотлари қуриш бўйича турли лойиҳаларни амалга оширишда минтақадаги экологик вазиятнинг ҳалокатли тарзда ёмонлашувига йўл қўймаслик учун ҳам бу талабларнинг бажарилиши мажбурий бўлмоғи даркор.

Янги гидротехник лойиҳалар, мисол учун, Роғун ГЭСи ва сув омборининг қурилиши бўйича ҳолис, мустақил халқаро экспертиза ўтказиш зарурлигини асословчи бўлиб келтирилган далиллардан келиб чиққан ҳолда бир масалага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчи.

Бутун дунёга маълумки, 3,6 минг МгВт қувватга эга ва тўғонининг баландлиги 340 метр бўлган Роғун ГЭСи қуриладиган жой 8-9 балли сейсмик зона бўлиб, у ерда тез-тез зилзила рўй бериши бунга тасдиқланади.

Тасаввур қилинг, 100 эҳтимолдан бири содир бўлиб, 8-9 балли ва ундан кучли зилзила рўй берди. Дарвоқе, бундай зилзилалар яқинда қўшни Қирғизистон Республикасида ва Хитой Халқ Республикасида содир бўлди. Хитойнинг Синчуань провинциясидаги зилзила оқибатлари ва унинг йирик гидротехник иншоотларга таъсири кўп нарсалардан далолат беради.

Боз устига, Роғун ГЭСи қурилиши мўлжалланаётган жойдан, сейсмологлар берган маълумотларга қўра, ер қобиғининг ёриғи ўтган.

Келинг, ўйлаб қўрайлик, бу ҳудудда бир неча бор кузатилгандек, яна кучли зилзила содир бўлиб, ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Бу ҳолда Амударё ўзани ва оқими

бўйлаб яшаётган юз минглаб одам ҳалокати учун жавобгарлики ким ўз бўйига олади?

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича нуктаи назари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 2007 йил 16 августда Бишкекда бўлиб ўтган мажлисидаги нутқида аниқ ва равшан ифодаб берилган:

— Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари минтақа давлатларида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд аҳолининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак;

— трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай хатти-ҳаракат минтақада қарор топган экологик сув балансига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак;

— сувдан фойдаланиш ва экология соҳаларида амал қилаётган халқаро ҳуқуқий база Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича самарали тизимнинг асоси бўлмоғи даркор.

ЁИнинг Марказий Осиё учун Стратегияси вазифаларини амалга оширишда халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатлари таяниш муҳим бўлиб, булар юқоридаги мақсадларга эришишга қўмаклашади.

Умид қиламизки, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, ЁИ тузилмалари Марказий Осиё трансчегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотларни лойиҳалаштиришда халқаро ҳуқуқ нормаларига сўзсиз амал қилиш зарурлигини чуқур англаш ва бунинг учун масъулиятни ҳис қилишни шакллантиришга ижобий ва конструктив тарзда қўмаклашади, Амударё ва Сирдарё бўйларида истиқомат қилувчи ўн миллионлаб одамларни Орол денгизи экологик инқирози каби аянчи оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган янги аваторлардан қўқариб қолади".

(У.А.)

ЖАҲОН

24 соат ичида

Зарар кўриши мумкин

Дунёдаги йирик авиакомпаниялар келгуси йилда қандайдиган зарар кўриши мумкин.

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) баҳоратларига таяниб хабар тарқатди.

Дунёда юз бераётган молиявий инқироз туфайли авиакомпаниялар хизматида фойдаланиш суръати кескин қаммайиб кетаётгани ана шундай таҳминларни келтириб чиқармоқда. IATAнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жорий йилда авиакомпаниялар кўрайдиган умумий зарар 5,2 миллиард АҚШ долларигача етиши мумкин.

Тартибсизликлар оқибати

"France Presse" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Грециянинг бир қатор шаҳарларида ҳукуматга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.



Тартибсизликларга 6 декабрь кунини полиция ходимининг эҳтиётсизлиги туфайли афиналик 15 ёшли ўғли Александрос Григорулолос...

нинг ҳалок бўлиши сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Тўрт кундан буюн давом этаётган норозиликлар чоғида 29 киши тан жароҳати олган. Бундан ташқари, Афина шаҳридаги эллика яқин ҳукумат бинолари ва офисларга жиддий талафот етказилган, йигирмага яқин машина ёқиб юборилган. Шаҳар мэри Никитас Кахламаниснинг таъкидлашича, тартибсизликлар пайтида 370 та дўконга ҳам ўт қўйилган.

Безгакка қарши янги вакцина


Африканинг икки йирик клиникасида безгакка қарши яратилган янги вакцина синови муваффақиятли яқунланди.

"GlaxoSmithKline" фармацевтика корхонаси томонидан тайёрланган мазкур даволаш препарати олдингиларига нисбатан самаралироқ экани маълум бўлди. Вакцина Кения ва Танзания клиникаларида 5-17 ойлик 809 нафар болада синая қўрилган. "GlaxoSmithKline" вакили вакцинанинг кейинги синови Африка қитъасининг 11 та касалхонасида олиб борилишини ва 16 000 нафар бола муолажага жалб этилишини таъкидлади. Агар натижалар қўтилангидек чиқса, 2012 йилдан бошлаб ушбу препаратни оммавий равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, дунё бўйича ҳар йили 515 миллион киши айнан безгак касалиги билан оғрийди ва улардан қарий ўч миллион нафари ҳаётдан қўз юмади. Хасталиқдан эса энг кўп Африка қитъаси аҳолиси азият чекмоқда.

40 яшар «сичқонча»

Компьютернинг ажралмас бўлаги ҳисобланган «сичқонча»нинг ихтиро қилинганига 40 йил тўлди.



"BBC News" хабарига келтирилишича, ундан биринчи бор 1968 йил 9 декабрь кунини Дуглас Энгельбарт фойдаланиб...

ниб қўрган. Энгельбарт яратган «сичқонча» ёғочдан ясалган бўлиб, битта тугмадан иборат эди ва оддий вазифаларни бажаришга мўлжалланганди.

Бугунги кунга келиб «сичқонча»лар ишлаб чиқарувчи дунёнинг бир қатор компаниялари мавжуд. Улардан бири "Logitech" компанияси бўлиб, яқинда бу ерда ана шу турдаги миллиардинчи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Аукционда — шахсий самолёт

Танили қўшиқчи Элвис Преслига тегишли самолёт жорий йил 19-20 декабрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларига қўйилади.

Манбада келтирилишича, мазкур ҳаво лайнерининг баҳоси савдо чоғида 2 миллион АҚШ долларигача етиши кўтиляпти. Ҳозиргача самолётнинг учми аппарати реконструкция қилинган. Шунингдек, унинг ташки ва ички қўрилиши бугунги кун талабларига мос равишда таъмирланган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

Одам савдосининг ноҳуш оқибатлари кейинги пайтларда бутун дунё аҳлини ташвишга соляпти. Маълумотларга қараганда, ер юзиде 3 миллиондан ортиқ киши одам савдосидан жабр кўрган, уюшган жиноий тўда эса йилига 10 миллиард АҚШ доллари миқдориде хуфёна даромад топяпти. Афсуски, глобаллашув жараёнида халқаро майдонда юзага келган бундай муҳиш жиноятнинг совуқ эпкинлари бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Республикамиз Президентининг "Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва уни тизимли равишда ташкил этиш имкониятини яратди. Мазкур қарор ижроси юзасидан ташкил этилган Самарқанд вилояти идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ушбу масала атрофида муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими, мазкур комиссия раиси Ҳ. Барноев олиб борди.

Анжуманда сўзга чиққанлар одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни атрофлича таҳлил этиб, уларнинг асл сабаблари ва оқибатлари хусусида фикр юритдилар.

Ийгилиш мобайнида вилоятдаги ҳар бир маҳалла ва ўқув юртида фаоллар, депутатлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида суҳбатлар ўтказиш, содир этилган жиноятларни халққа очик-ойдин маълум қилиш, уларнинг олдини олиш юзасидан режалар белгиланди.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

SONATA Ўз йўлингни танла! КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Drive your way. HONDA Official Partner Tel. 250-11-11

ООО "Росагропромснаб" предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые "Гобой-1" Цена - от 1 365 000 сум. Ду, мм Типоразмер Мин. расход, Qмин, м³/час Максим. расход, Qмакс, м³/час 25 G10 0,16 16(25) 40 G25 0,40 40(65) 65 G65 1,00 100(160)

"TOSOL-N" МЧЖ ички ёниш двигателлари учун ОЖ русумли совитувчи суюқлик — антифриз ишлаб чиқаради "TOSOL-A30, A40, A65, TOSOL-AM концентрат" Мазкур маҳсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек, ASTM 3306-79 (АҚШ) антифризига ўхшайди ва металлга камроқ занглатувчи таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралаб туради. Маҳсулот мижозининг хоҳишига қараб 5 кг, 10 кг.лик идишлар ва 200 литрли бочкаларга қадқоланади. Тўлов усули — нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан. Манзилими: Тошкент шаҳри, Исмоил ота кўчаси, 1-уй. Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

"INTEGRALASIA" 17" мониторли P4 компьютерлари Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида. Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26. Товар сертификатланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ TOYOTA ва LEXUS русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади. Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг. Автосалон манзили: Тошкент ш., Боруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ҳамда механика-математика факультети жамоаси Дифференциал тенгламалар кафедраси муdiri, академик Маҳмуд Саломқўлиёвнинг вафоти тўғрисида хабар берилди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси Гузълхон Халиловага турмуш ўртоғи Навоид ХАЙИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасаба уюшма кўмитаси ҳамда Хоржий филология факультети тарих ва филология йўналишлари бўлими чет тиллари кафедрасининг доценти Светлана Юнусовага акаси Марат ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси, амалиёти ва ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, амалиёт бўлими бошлиғи Уткир Мавловога онаси Ойнаҳар ХУДОЙБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади. Камолитдин Бехош номидаги Миллий расмийлик ва дизайн институти жамоаси Дизайн факультети декани Раҳматулла Умироқовга отаси РАҲМОНБЕРДИ БОБОНИНГ вафоти тўғрисидаги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Камолитдин Бехош номидаги Миллий расмийлик ва дизайн институти жамоаси Китоб графикаси ва миниатюра кафедраси акаси Абдуқаҳор МАХКАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт

ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Яқинда Саудия Арабистонида яқунланган футбол бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионати йўлланмаси ва кумуш медални қўлга киритиб, миллионлаб футбол мухбирларига олам-олам қувонч бахш этган эди.



Жорий йилнинг 30 ноябрь — 9 декабрь кунлари Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида офир атлетика бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизга 3 та олтин ва 7 та бронза медаллари билан қайтиб келишди.

Тошкент халқаро аэропортида ташкиллаштирилган тантанали кутиб олиш маросимида таъкидланганидек, бу ютуқлар мамлакатимизда Президентимиз томонидан ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Осиё чемпионатида, айниқса, пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Мухаммад Беғалиев (62 кг.) энг яхши кўрсаткичга эришди. У даст кўтаришда 114 килограмм, силтаб кўтаришда 143 килограмм натижага эришди. Умумий баллари эса 257 килограммни ташкил этди ва мусобақа низомига кўра, учта олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, терма жамоамиз ҳисобига Марина Сисоева (44 кг.) ва Руслан Нуриддинов (77 кг.) 3 тадан, Азиз Ҳасанов (94 кг.) эса 1 та бронза медалини тўғфа эттишди.

— Осиё чемпионатида 30 га яқин мамлакат вакиллари медаллар учун кураш олиб боришди, — дейди Республика офир атлетика федерацияси бош

қотиби Шаҳрулла Маҳмудов. — Соғлом ёш авлодни унун беллашувда асосан Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея ва Қозғистон терма жамоалари вакиллари етакчилик қилишди. Бугун мусобақада қатнашган ёшлар ҳисобидан 2012 йилда Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёши Олимпиадада ўйнарида юртимиз шарафини ҳимоя қилдиган терма жамоа шакллантирилади. Шўқри, чемпионатда қатнашган шогирдларимизнинг юзлари ёруғ бўлди. Айниқсан, Мухаммад Беғалиев эришган натижани алоҳида айтиб ўтиш керак. У 2007 йили Иорданияда ўтган Осиё чемпионатида бешинчи ўринни эгаллаганди. Бу сафар эса бирйўла учта олтин медалга эгалик қилди.

Мусобақа доирасида халқаро офир атлетика федерациясининг навбатдаги Конгресси ҳам бўлиб ўтди. Унда ёшлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати мезбонлик қилдиган давлат номи маълум бўлди. Энг кўп овоз билан Таиланд мамлаката 2009 йилги жаҳон чемпионати мезбонлигини қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, ушбу чемпионатда спортчилар 2010 йил Сингапурда ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган биринчи Олимпиадада ўйнари йўлланмаси учун беллашадилар.

Энди Тошкент, Андижон ва Чирчиқ шаҳарларидаги Олимпия захиралари коллежларининг офир атлетика бўлимида энг иқтидорли ёшлар терма жамоа таркибига саралаб олинади.

Рауф Инилеева халқаро лицензия берилди

10 ноябрь — 4 декабрь кунлари Москвадаги махсус курсларда таҳсил олган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Рауф Инилеева халқаро Pro лицензияси берилди.

Маълумки, ушбу халқаро лицензияни қўлга киритган мураббийлар дунёнинг барча мамлакатларида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу кунгача бундай лицензия Ўзбекистондан фақат мураббий Усмон Тошевда бор эди.

Энди Тошкент, Андижон ва Чирчиқ шаҳарларидаги Олимпия захиралари коллежларининг офир атлетика бўлимида энг иқтидорли ёшлар терма жамоа таркибига саралаб олинади.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникалар (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ ҳўжалиги (МТЗ трактори негизда) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

«МАЗ» ва «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КўРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Мировоб тумани, «В Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservis@mail.ru



Маълумки, асаб тизими хасталиклари энг кўп тарқалган касалликлар сирасига киради. Бинобарин, жаҳон миқёсида ҳар йили 15 миллион киши ушбу касалликдан азият чекади. Асаб касалликлари орасида, айниқса, инсулт хасталигининг инсон саломатлигига хавфи ва оғир асоратларидан кўпчилик хабардор.

БЕБАҲО БОЙЛИК ҚАДРИ

Тиббиётда инсулт — бош миёна қон айланишининг ўткир бузилиши, яъни бош миёна қон томирларидан бирининг ёрилиши, торайиши ва ёки унда тижин ҳосил бўлиши оқибатида келиб чиқувчи хасталик сифатида тавсифланади. Шуниси аниқки, инсулт билан оғирган беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бу оғир асоратларга олиб келади. Яратилган тизимга кўра, бемор дарҳол шовишлик тиббий ёрдам марказига етказилиши ва зудлик билан шифо муассасасининг реанимация бўлимида тезкор даво тадбирлари қўлланилиши лозим. Касалликнинг ушбу энг хавфли давридан ўтган бемор ҳудудий неврология бўлимида даволаниши давом эттирилади, сўнграқ эса поликлиника назоратига ўтказилади.

Инсулт хасталигининг келиб чиқishi сабаблари кўпчиликини қизиқтиришни табиий. Тақрибадан маълумки, инсулт 70-80 фоиз ҳолларда артериал гипертония касаллиги оқибатида юзага келади. Шу боис, унга қарши курашни гипертония, яъни қон боси-

ми кескин ошиши хасталигининг олдин олишдан бошлаш даркор. Бироқ беморлар орасида ўзининг артериал гипертония касаллигига чалингандан бехабар кишилар кўпчилиги эканлиги афсусланарли ҳол. Масалан, яқинда Республика кардиология маркази мутахассислари ўтказган текширувлар натижасида мамлакатимизда катта ёшли аҳолининг 25 фоизи артериал гипертонияга чалинганлиги маълум бўлди. Лекин ҳар 10 бемордан 4 нафари хасталик белгиларини аниқ ҳис этмайди. Касаллиги аниқланганлар орасида ҳам шифокор назорати остида тўғри даво усуллари асосида даволанганлар 10 фоиздан ошмайди. Ваҳоланки, қон босимининг систолик қисми симоб устунининг 10-12 миллиметрга, диастолик қисми 5-6 миллиметрга (масалан, қон боси-

мининг 160/95дан 150/90га тушиши) пасайса, инсулт ривожланиши хавфининг 38 фоизга камайишига эришиш мумкин. Тўғри, гипертонияга ч-

Тиббиёт

линишининг бошқариб бўлмайдиган омиллари мавжуд. Бу экологик омиллардир. Бироқ, киши турмуш тарзи билан боғлиқ сабаблар ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида эркаклар орасида ушбу касалликка мойиллик юқори эканлигини айтиш мумкин. Негаки, чекиш ва ичкиликка ружу қўйиш инсултдан келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири саналади. Чекувчилар сонининг камайиши эса гипертония ва инсулт хасталиги келиб чиқилишининг 10-15 фоизга камайишига олиб кела-

ди. Шунинг унутмаслик керакки, ёши улгайгани сайин кишида касаллик хавфи кучая боради. Чунки, кексаларга хос одат — камҳаракатчилик, орткич вазн мазкур хасталикнинг асосий сабабчиси. Шундай экан, ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган киши ёши ва жинсидан қатъи назар, бадангарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни ҳаётий заруратлардан бири деб билмоғи лозим. Зеро, саломатликдек бебаҳо бойлиқни асраб-авайлаш, хаста бўлмасдан бурун соғлиғимизнинг қадрига етмоқлик фақат ўзимизнинг фойдамиздир.

Бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида инсулт хасталигининг олдини олиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Хусусан, 100 нафардан зиёд илмий тадқиқотчи неврология фани ривожига ҳисса

Жорий йилнинг 12-13 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Республика неврологларининг IV съезди ҳам соҳадаги илмий изланиш ва янгиликларни кенг қўлашда татбиқ этиш имконини беради. Ушбу анжуман кун тартибига 130 дан зиёд маъруза тақдим этилган. Съезд доирасида неврология соҳасида долзарб саналган қатор масалалар муҳокамасига бағишланган симпозиумлар ҳам ўтказилди. Тадбирда хориқлик соҳа мутахассислари ҳам иштирок этди. Бу юртимиз неврологларининг жаҳоннинг етакчи мутахассислари билан изчил ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш йўлидаги яна бир муҳим қадамларидан бири бўлиши шубҳасиз.

Озод ХЎЖАЕВ, Республика неврологлар ассоциацияси раисининг ўринбасари, профессор.

«МАРВАРИД»ДАН НУРОНИЙЛАР ХУРСАНД

Каттақўрғон шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган «Марварид» сўхатқоҳида отахону онахонларнинг дам олиши, соғлиқларини тиклашлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда улар бепул тиббий муолажа олиш давомида маъданли сувнинг шифобахш давосидан ҳам баҳраманд бўлишадилар.

— Сўхатқоҳимиз асосан уруш ва меҳнат фаҳрийлари, нурунийлар учун ташкил этилди, — дейди бош ҳажим, тиббиёт фанлари номоиди Шерали Эргашев. — Даволаш масканида суяк-таянч органлари, асаб тизимлари, ошқозон ва ичак касалликлари минг метр чуқуриқдан олина-

диган 47 даражадаги маъданли сув билан муолажа қилинади. Айни пайтда уқалаш, физиотерапия, парафин, кислород, игна билан даволаш хизматлари ҳам йўлга қўйилди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзимдаги бор яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман, деган эди донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, ақл қайроғи ҳисобланган китоб инсон маънавий камолотида алоҳида ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда, кутубхоналарнинг инсон маънавий ҳаётини қондириш борасидаги ўрни бебаҳо.

Ахборот-ресурс маркази:

ТАФАККУРГА ҚАНОТ

Айтиш керакки, маънавият соҳасидаги ислохотлар жараёнида мазкур муассасалар фаолияти ҳам тубдан ўзгариб, уларга замонавий ахборот технологиялари жадал суръатда кириб борди, китобхонлар бу ерда фақатгина адабиётлар мутолааси билан чекланиб қолмасдан тезкор ахборот ва зарур маълумотлар олиш имкониятига эга бўлдилар.

Маънавият



Бугун ахборот-ресурс маркази сифатида фаолият кўрсатаётган зиё маскани миз бундан уч йил аввал аҳолининг маълум бир қатламгагина хизмат кўрсатишга мўлжалланган вилоят болалар кутубхонасидан бутунлай фарқ қилади. Ушунда фақатгина болаларроп китоблар билан банд бўлган хоналар эндиликда жаҳон адабиёти дурдоналари, ёзувчиларимизнинг сара асарлари билан тўлдирилган. Энг муҳими, китобхоналаримиз интернет тармоғига уланган махсус бўлимда электрон дарсликлардан фойдаланиш имкониятига эга. Унга компьютер жамланмаси, нусха кўчириш аппарати, сканер сингари ахборот технологиялари билан жиҳозланган мазкур бўлим ўқувчи ёшларнинг таълим даргоҳларида олган билимларини мустақамлашда қўшимча манба ва-зифасини ўтамоқда. Таълимнинг бундай интерфаол усулининг ўзига хос томони шундаки, у ўқувчини тайёр билимларни эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, изланишга, мустақил фикрлашга чорлайди. Марказ иш бошлаган дастлабки пайтларда китобхоналаримиз электрон адабиётлардан мутахассис ёрдамида фойдаланишар-

ди. «Компьютер сабоқлари» тўрагаи ташкил этилгандан сўнг уларнинг ўзлари «ақли машина» билан тиллашадиган бўлдилар.

Гарчи, электрон воситалар орқали мутолаа таомилга айланаётган бўлса-да, китоб билан ошноликнинг гашти ўзгача. Шунга кўра, марказ адабиёт жамғармасини муттасил бойитиб бориш доимо эътиборимизда. Биргина ўтган ойнинг ўзида 275 та янги китоб сотиб олдик. Бундан ташқари, янги адабиётлар кўргазмаси, мушоира, ижодкорлар билан учрашув сингари тадбирларни мунтазам йўлга қўйганмизки, бу ёшларда китобга бўлган муҳаббатни янада кучайтирмоқда.

Марказимиз жамоаси маънавиятнинг фаол тарғиботчиси сифатида маҳаллалар, ўқув-тарбия муассасаларида мазмуни учрашув ва сўбатлар ўтказишни йўлга қўйган. Жумладан, «Соғлом авлод» маркази, Наманган шаҳридаги 1-оилавий поликлиника, 82-дорихона, «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинида янги адабиётлар асосида ўтказилган сўбат ва библиографик шарҳлардан сўнг китобхоналаримиз сони анчага кўпайди.

Ҳа, китоб — инсон тафаккурининг қаноти. Бу қанот қанчалик мустақам бўлса, киши маънавияти шунча юксакликка кўтарилди. Ана шундай хайрли юмушда фаол қатнашаётганимиздан фахрланамиз.

Моҳира СИДДИҚОВА, Наманган вилояти ахборот-ресурс маркази директори.

Меҳр нури — мисоли офтоб

Қарши шаҳридаги Нефтчилар маҳалласида Малика исмли қиз бор. Унга тугма ногиронлик туйфайли оёқда юриш насиб этмади.

Мурувват

Кўни кеча Маликага «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ногиронлар аравачасини совға қилди. Энди у мустақил кўча сайрига чиқаяпти.

— Кўёш оламга ёруғлик, меҳр эса инсоннинг қалбига илиқлик бахш этади, — дейди Маликанинг онаси А. Саркисян. — Атрофимизда яхшилар кўп экан. Уларнинг меҳри туйфайли қизимнинг ўқисқ қалби қувончга тўлди.

Таъкидлаш лозимки, «Соғлом авлод учун» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими томонидан фақат ноябрь ойида 30 та ногирон бола махсус аравача билан таъминланди, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларга 1250 дона гигиена воситалари, 2575 та тиббий анжомлар, катта миқдорда дори-дармонлар тарқатилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

3G

Видеоқўнғироқ: ёнма-ён бўлинг!

МТСдан 3G - алоқанинг янги тезлиги

Энди мобиль телефонда бир-бирингизни эшитишингиз ҳамда кўришингиз мумкин!

МТС тезлик оператори

Хизматлар Тошкент шаҳрида 3G тармоғи амал қилиш доирасида таъминланади. Биланс: 000000, тел: +998 777 130 00 00, 101 0000. 103 00 00. Интернет: mts.uz. Ҳаётингиздаги ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишда МТСнинг хизматлари сизга ёрдам беради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 1.15 Тоширилди — 1.30

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусахҳах — Ҳ. Тохшўжаев.